

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДИЕВ ЭРКИН ТЕМИРОВИЧ

АЛОҚА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ КОМПАНИЯЛАРИДА
БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Шодиев Эркин Темирович

Алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув хисобини
такомиллаштириш.....3

Шодиев Эркин Темирович

Совершенствование управленческого учета в компаниях связи и
телекоммуникации.....25

Shodiev Erkin Temirovich

Improving of managerial accounting in communications and telecommunications
companies.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДИЕВ ЭРКИН ТЕМИРОВИЧ

АЛОҚА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ КОМПАНИЯЛАРИДА
БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2018.1.PhD/Iqt531 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tseu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Махсудов Бегматжон Юлдашалиевич иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Хотамов Комилжон Раббимович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Маматкулов Мурод Шукурович иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.3/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунини тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон рақамли иқтисодиётда телекоммуникация соҳаси давлатлар даражаси, шунингдек, алоҳида компаниялар даражасида бошқарув қарорларини қабул қилишда зарур бўлган ахборотлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон телекоммуникация хизматлари бозоридаги кескин рақобат ҳамда глобал пандемия шароитидаги экспоненциал ўсиш жараёни телекоммуникация компанияларидан сўнгги ўн йилликда ишлаб чиқилган замонавий илғор 5 G ва Wi-Fi 6 тармоқ стандартлари асосида ахборотларни узатувчи, қайта ишловчи технологияларни ва улар бошқарувини таъминловчи «ақлли периферия»лар, «сунъий интеллект»ни амалиётга татбиқ этишни тақозо қилади. «2020 йилда глобал телекоммуникация хизматлари бозорининг ҳажми 1657,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этди ва 2021 йилдан 2028 йилгача йиллик ўсиш суръати 5,4 фоизга ўсиши кутилмоқда».¹ Шу боис, иқтисодиётнинг барча тармоқларини рақамлаштириш мақсадида замонавий инновацион телекоммуникацион хизматларнинг тақдим этилиши янгидан-янги бизнес жараёнларнинг бошқарув тизимини йўлга қўйишни, ўз навбатида телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини такомиллаштиришни тақозо этади.

Халқаро амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодиётнинг барча тармоқларига рақамли технологияларни татбиқ этишда алоқа ва телекоммуникация компаниялари фаолиятини такомиллаштириш муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади ҳамда миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминловчи омил бўлиб ҳисобланади. Жамият ва миллий иқтисодиётни дунё кўрсаткичлари бўйича ахборотлаштириш даражасига тақдим этилаётган ахборот-коммуникация хизматларининг нархини пасайтиришга уларнинг сифати ва фойдаланиш даражасини ошириш орқали эришиш мумкин. Ҳозирги глобаллашув ва пандемия шароитида телекоммуникация компанияларини жаҳон телекоммуникация бозоридаги рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида алоқа ва телекоммуникация компанияларини замонавий базавий ретрансляторлар билан таъминлаш, халқаро пакетли коммутация марказини кенгайтириш, маълумотлар узатиш ва магистрал транспорт тармоғини кенгайтириш, 3G/4G мобил алоқа қамровини кенгайтириш талаб этилади. Ушбу ислохотлар самарадорлигини таъминлашда телекоммуникация компаниялари фаолиятини бизнес-жараёнлар бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда ахборот-таъминот базаси сифатида бошқарув ҳисобини хорижий илғор тажрибага таянган ҳолда ташкил этиш ва такомиллаштириш давр талаби ҳисобланади.

Республикамизда алоқа ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, алоқа ва телекоммуникация хизматлари сифатини ошириш, хизматлар таннархини пасайтириш, алоқа ва телекоммуникация

¹<https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/global-telecom-services-market>.

компаниялари рақобатбардошлилигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Алоқа ва телекоммуникация соҳасида «2020 йил бошидан бугунги кунгача интернет тармоғида кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш мақсадида 340 минг кенг полосали абонент портга яқин телекоммуникация қурилмалари келтирилди, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини кенгайтириш мақсадида 40 та сервер қурилмаси ва 5 комплект маълумотларни сақлаш қурилмалари ўрнатилиб, 106 та объектда 291 та база станциялари қурилиб ишга туширилиши, мавжуд 1483 та объектлар 3G/4G стандартига модернизация қилиниши² муҳим вазифа сифатида белгилаб олинган. Бу борада алоқа ва телекоммуникация компанияларида хизматлар кўрсатилиши билан боғлиқ харажатлар ва даромадлар ҳамда янги инновацион лойиҳалар бўйича тўлиқ ахборот базасини шакллантириш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш орқали хизматлар даражаси ва сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури» тўғрисида»ги, 2018 йил 13 декабрдаги ПФ-5589-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор йўналишлари” доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик иқтисодчи олимлар: Ангела Лоренз, Антонелла Гучини, Силвия Пилонато, Эшфорд С. Чеа, А.И.Арчимарева, Е.А. Гибельнева, Л.Р. Лилиева, Н.Г.Трапезникова, З.С.Туякова, Т.В.Черемушникова, Ю.А.Щегловская, О.А.Фетисова, шунингдек, республикамиз иқтисодчи олимлари: Н.Б.Абдусаломова, А.А. Абдуғаниев, А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, И.Очилов, И.Н.Қўзиёв,

²<https://strategy.uz/index.php?news=1036&lang=uz2>

Н.К.Ризаев, Б.Ю.Махсудов, А.Х.Пардаев, Б.А.Хасанов, Р.О.Холбеков, С.Ш. Юлдашев³ ва бошқа олимларнинг илмий ишларида алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобининг назарий ҳамда методологик асосларининг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Мамлакатимиз олимларидан Б.А.Хасанов тадқиқотларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалаларига асосий эътибор қаратилган. Айнан алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш комплекс тарзда ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-6-сон “Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналиши” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

³Angela Lorenz. Contemporary management accounting in the UK service sector. F thesis submitted to the University of Gloucestershire in accordance with the requirements of the degree of doctor of Philosophy in the Business School. October 2015. Арчимаева А.И. Формирование системы сбалансированных показателей в телекоммуникационных компаниях. Современные парадигмы развития учета, анализа и аудита в исследованиях молодых ученых: Сборник научных трудов / под ред. Б.А. Аманжоловой, Т.В. Жуковой. – Новосибирск: Изд-во НГТУ, 2019. – 199 с. https://unecon.ru/sites/default/files/sbornik_vnkma-2019_ispravl_1.pdf. Гибельнева Е. А. Развитие управленческого учета расходов телекоммуникационных компаний. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Хабаровск -2016, Лилиева Л.Р. Бухгалтерский учет в сфере связи и телекоммуникаций. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Москва-2007, Трапезникова Н.Г. Учетно-аналитическое обеспечение управление затратами в системе ABC (Activity-Based Costing) на предприятиях электросвязи. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Москва-2008., З.С. Туякова, Т.В. Черемушникова. Современные виды инфокоммуникационной деятельности и их влияние на специфику организации управленческого учета. Журнал “Международный бухгалтерский учет». 11 (305) – 2014, О.А.Фетисова. Развитие теоретико-методических основ калькулирования себестоимости продукции и услуг организаций сферы интернет-технологий. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Екатеринбург-2015, Н.Б.Абдусаломова. Харажатларни келиб чиқиш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича харажатларни бошқарув ҳисобини ташкил қилиш. “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. 2016 йил. №1, сентябрь, А.А. Абдуғаниев. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда юриштиринг назарий ва амалий асослари: и.ф.д. дис.-Т.: -2005.-41 б., Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Дис...икт.фан.д-ри. БМА.Т., 2009., Ибрагимов А.К, Очилов И., Қўзиев И.Н, Ризаев Н.К. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2008., Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати. – Т.: ТМИ. 2018 й., А.Х. Пардаев, Б.Х.Пардаев, Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма./ - Т.: Г.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2008., Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик –Т.: Янги нашр, 2011. -312 бет., Юлдашев С.Ш. Методология и организация управленческого учета: диссертация ... доктора экономических наук: 08.00.12. - Москва, -1993. - 426 с.

Тадқиқотнинг мақсади алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

телекоммуникация хизматлар соҳасида бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш асосида тавсиялар ишлаб чиқиш;

телекоммуникация хизматлари таннархини калькуляция қилишда Activity based costing (ABC) усулини қўллаш методикасини ишлаб чиқиш;

телекоммуникация компанияларида бизнес жараёнлар бўйича даромадлар бошқарув ҳисобини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

телекоммуникация компанияларида бизнес жараёнлар бўйича харажатлар ҳисобини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини бизнес-марказлар ва масъулият марказлари бўйича ташкил қилиш методикасини ишлаб чиқиш;

алоқа ва телекоммуникация компанияларида лойиҳаларни амалга ошириш натижасида пайдо бўладиган бизнес жараёнлар билан боғлиқ харажатларни автоматлаштирилган ички бошқарув ҳисобини юритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

алоқа ва телекоммуникация соҳаси компанияларида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти алоқа ва телекоммуникация компаниялари, жумладан, “Ўзбектелеком” АКнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, суҳбат, индукция, дедукция, статистик, иқтисодий, молиявий, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

телекоммуникация компанияларида кўрсатилаётган хизматлар таннархини Activity based costing (ABC) усулида мегабайт ва минут кўрсаткичларини ягона секунд калькуляция бирлигида ҳисоблаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

телекоммуникация хизматларидан олинган даромадларни фаолият турлари (интернет, телефония, Bigdata, IPTV ва ҳ.к.) бўйича алоҳида тан олишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

абонентларни тармоққа улаш хизмати учун дилерларга тўланадиган комисион тўловларни “Мижозлар билан шартнома тузишдаги қўшимча харажатлар” сифатида тан олишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

телекоммуникация компанияларида инновацион лойиҳалар бошқарув ҳисобини 1С дастурида идентификацион артикуль кодлари бўйича юритиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“бизнес жараён”, “харажатлар драйвери” атамаларига такомиллаштирилган муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

телекоммуникация компаниялари “бюджетлаштириш тўғрисида”ги низомида устама харажатларни фаолият турлари бўйича тақсимлаш ва компаниянинг молиявий натижага йўналтирилган бошқариш тизимини жорий этиш ҳамда фаолият турлари истиқболини белгилаш таклифи берилган;

телекоммуникация компаниялари ҳисоб сиёсатининг ишчи счётлар режасида абонентни тармоққа улаш хизмати учун дилерларга тўланадиган комиссия тўловлар “Мижозлар билан шартнома тузишдаги қўшимча харажатлар” сифатида тан олиниб, ушбу харажатларни 2210-“Мижозлар билан шартнома тузишдаги қўшимча харажатлар” ишчи счётида ҳисобга олиш тавсия қилинган;

телекоммуникация компанияларининг алоқа ва телекоммуникация хизматлари сифатини оширишга қаратилган лойиҳалари кесимида даромад ва харажатлар бошқарув таҳлилини ўтказиш таклиф этилган;

телекоммуникация компанияларида молиявий жавобгарлик марказлари бўйича бюджетлаштириш методикаси таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда фойдаланилган ахборот базаси ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга мувофиқ келиши ҳамда тегишли хулосаларни мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг тасарруфидаги корхоналарда бошқарув ҳисобини такомиллаштиришга оид назарий-методологик ва услубий аппарат шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган хулоса ва назарий билимлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда унинг тасарруфидаги корхоналарда, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, маърузалар матни, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

телекоммуникация хизматлари турлари бўйича таннархни Activity based costing (ABC) усулида калькуляция қилишда мегабайт, соат, минут, дона каби калькуляция бирликларини секунд бирлигида ҳисоблаш методикасига оид таклиф “Ўзбектелеком” АКнинг “Бюджетлаштириш тўғрисидаги Низом”ини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Ўзбектелеком” АКнинг 2021 йил 19 январдаги 27-03-17/298-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида алоқа ва телекоммуникация хизматлари таннархига устама харажатларни тақсимлаш тизими жорий этилган ҳамда хизматлар турлари бўйича рентабеллиги амалда ҳисобланганидан аниқ натижани берган;

телекоммуникация хизматларидан даромадларни телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ мобиль ва модем қурилмалар реализациясидан алоҳида тан олиш таклифи “Ўзбектелеком” АКнинг “Ҳисоб сиёсати”га ўзгартиришлар киритишга оид услубий тавсияларни чиқишда фойдаланилган (“Ўзбектелеком” АКнинг 2021 йил 19 январдаги 27-03-17/298-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида телекоммуникация хизматлари турлари бўйича даромадлар бошқарув ҳисобини юритишда аниқлик таъминланган;

2210-“Мижозлар билан шартнома тузишдаги қўшимча харажатлар” ишчи счётини амалиётга киритиш бўйича таклиф амалиётда фойдаланиш учун “Ўзбектелеком” Акциядорлик Компаниясида қабул қилинди (“Ўзбектелеком” АКнинг 2021 йил 19 январдаги 27-03-17/298-сон маълумотномаси). Ушбу счётдан амалда фойдаланиш натижасида телекоммуникация компаниясида абонентни тармоққа улаш хизмати учун дилерларга тўланадиган комиссия тўловларни мижозлар билан шартнома тузишдаги қўшимча харажатлар сифатида ҳисобга олишда аниқлик ва шаффофлик таъминланган;

лойиҳаларни амалга ошириш натижасида пайдо бўладиган бизнес жараёнлар билан боғлиқ харажатларни 1С дастурида алоҳида артикуль (ID) коди бўйича автоматлаштирилган ички бошқарув ҳисобини юритиш таклифи амалиётда фойдаланиш учун “Ўзбектелеком” АКда қабул қилинди (“Ўзбектелеком” АКнинг 2021 йил 19 январдаги 27-03-17/298-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида телекоммуникация компаниясининг лойиҳалари бўйича даромад ва харажатлар таҳлилини ўтказиш, ўз навбатида, мос бошқарув қарорини қабул қилиш учун лойиҳалар кесимида аниқ маълумотларни тезкор олиш имкони таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган

диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 3 таси импакт факторли хорижий илмий журналларда ҳамда тезислар тўпламида 9 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланиб, иқтисодиётда хизматлар соҳасининг тутган ўрни, жумладан, алоқа ва телекоммуникация соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва уларда бошқарув ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари тадқиқ қилинган. Тадқиқотнинг олдида қўйилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда «хизматлар соҳасида бошқарув ҳисоби» тушунчасининг концептуал моҳияти, турлари ва асосий тавсифлари, шунингдек, телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий ва меъёрий-ҳуқуқий асослари баён қилинган.

Замонавий хизматлар бозори учун нафақат ўсиш тенденцияси, балки моддий ишлаб чиқариш маҳсулотига нисбатан илдам ривожланиб бораётган ҳамда хизматлар диверсификацияси тобора кенгайиб бораётганлиги билан аҳамиятли. Мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда.

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида давлат органлари ва бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан фойдаланишда янги ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базаларини ишлаб чиқишга, биринчи навбатда, аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ва тезкорлигини оширишга, бюрократик тартиб-таомилларга барҳам беришга, қоғоз ҳужжат айланишини

камайтиришга қаратилган электрон давлат хизматларини жорий этишга устувор эътибор қаратиш вазифаси белгилаб берилган⁴.

Телекоммуникация соҳасида хизмат кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги қабул қилинган «2016 -2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 55-сон Қарори муҳим аҳамиятга эга. Қарорга кўра, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг республика иқтисодиётидаги улушини 48,7 фоизгача етказиш назарда тутилган. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 2,9 баробар ошириш режалаштирилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

2016 - 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари, (олдинги йилга нисбатан %)⁵


№	Хизматлар номи	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2020 й. 2016 йилга нисбатан %
1.	Хизматларнинг ЯИМдаги улуши (%)	47,5	47,8	48,2	48,5	48,7	
2.	Ўзбекистон Республикаси	111,2	111,6	112,2	112,8	113,3	1,8 баробар
3.	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	119,6	121,8	123,8	125,9	127,8	2,9 баробар

Телекоммуникация компаниялари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини таъминлашга қаратилган янги инновацион лойиҳаларни амалга оширишда телекоммуникация хизмат сифати тўғрисидаги зарур ахборотларни жамлаб берувчи ахборот тизимига эҳтиёж туғилади. Бундай ахборот тизими сифатида бошқарув ҳисоби тизимидан унумли фойдаланиш мумкин.

Коронавирус пандемияси туфайли мажбурий “иқтисодий таътиллар” туфайли хизматлар соҳасининг айримлари, жумладан, жамоат транспорти хизмати, яшаш ва овқатланиш, таълим, компьютер хизматлари ва шу кабиларда қиймат яратиш бирмунча чекланди. Хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 35 фоиздан юқори бўлса-да, фаолияти чекланган хизмат турларида ўртача бир ойлик қиймат яратилиши 4,5-5 триллион сўмни ташкил этди. Телекоммуникация соҳасида эса ахборот технологияларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш миллий дастурларининг амалга оширилиши натижасида симсиз телефон алоқаларнинг ўсишига, уяли алоқа абонентлари ва интернет тармоғига жамоавий уланиш жойлари сонининг кўпайишига олиб келди.


⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони./Lex.uz.

⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги «2016 - 2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги 55-сон Қарори./Lex.uz.



1-расм. "Ўзбектелеком" АКнинг 2018-2021 йиллар учун абонентлар сони, мингта⁶

1-расмдан кўриниб турибди-ки, бугунги кунда республикада интернет хизматларига уланиш сони 2021 йилида 2018 йилга нисбатан 1224 тага, мобил алоқа хизматларига уланиш сони 2021 йили 2018 йилга нисбатан 5622 тага ошган, симли телефон алоқа сони эса 2021 йилида 2018 йилга нисбатан 21 га камайиши кутилмоқда.



2-расм. "Ўзбектелеком" АКнинг 2020 йил ҳолатига асосий фаолият турлари бўйича даромадлари улуши⁷

2-расм маълумотларидан кузатиш мумкинки, "Ўзбектелеком" АКнинг 2020 йилда асосий фаолият даромадлари сифатида халқаро операторлардан даромадларнинг 30,6% ни, каналларни ижарага беришдан даромадларнинг 6,8 % ни, симли телефон алоқасидан даромадларнинг 3,2 % ни, интернет

⁶Тадқиқот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁷Тадқиқот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тармоғидан даромадларнинг 19,3% ни, мобил алоқа хизматидан даромаднинг 38,8 % ни ташкил этган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, «Ўзбектелеком» АК томонидан 2018-2020 йилларда Ўзбекистонда интернет тармоғига кенг поласали уланиш хизматларини ривожлантириш бўйича катта ишлар олиб борилди. Шу жумладан, оператор ва провайдерлар учун 2018 йилдан 2020 йилгача ташқи интернет канал нархи 244,9 минг сўмдан 45 минг сўмгача, яъни 5 баробардан кўпроққа арзонлаштирилди.⁸

Шу билан бирга, республиканинг операторлари ва провайдерлари учун CDN серверларидан фойдаланиш имконияти бўлган UZ-IX тармоғининг пиринг тармоғи хизматлари учун махсус тарифлар ишлаб чиқилган, бу операторлар ва провайдерлар ўз абонентларига маҳаллийлаштирилган интернет хизматларини тақдим этиш имконини беради. Шунини таъкидлаш жоизки, белгиланган нархлар халқаро пакетли коммутация маркази орқали халқаро интернет-канал хизматлари нархидан сезиларли даражада, яъни 2-3 баравар паст, бу пиринг тармоғига уланган республика оператор ва провайдерлар учун ўз абонентларига жаҳон даражасидаги яхши хизматларни тақдим этиш имконини беради.

Ўрганишлар шунини кўрсатдики, жамиятда интеграциялашган ахборот таъминотиغا эҳтиёж ортиб бориши, компаниялар бизнес-моделларининг трансформациялашуви шароитида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фикримизча, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига бошқарув ҳисобининг интеграциялашуви услубий, ташкилий ва бошқарув ҳисобини шаклланиши ва таҳлили воситаларини қўллаш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Шунингдек, телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисоби соҳасидаги инновацион йўналишлардан бири Quick Response Manufacturing (QRM) тизимини кенг татбиқ этиш, бунда хизматлар кўрсатишда вақт омили муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисоби усуллари татбиқ этишда вақт омили энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Фикримиз тасдиғи сифатида соҳада хизматлар кўрсатишда қўлланиладиган базавий ретрансляторлар ва бошқа алоқа узатиш тармоқ каналлари 1 соатлик реал вақт режимида иш фаолияти юкламаси 1 эрланг технологик кўрсаткичида ўлчанишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Диссертация ишининг иккинчи боби “**Алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг илмий-амалий муаммоли жиҳатлари**” деб номланиб, ушбу бобда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини инновацион ривожланиши шароитида

⁸<https://kun.uz/news/2020/11/18/tezliklar-oshib-narxlar-pasaymoqda>.

“Ўзбектелеком” АК молиявий-хўжалик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бошқарув ҳисобини ташкил этиш масалалари, шу жумладан, алоқа ва телекоммуникация хизматлари соҳасида бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, алоқа ва телекоммуникация хизматлари соҳасида ABC тизими асосида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг амалий жиҳатлари, алоқа ва телекоммуникация хизматлари соҳасида бизнес жараёнлар бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш усулларини амалиётга татбиқ этиш натижасида муҳим хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Телекоммуникация компанияларида бизнес жараёнлар бўйича бошқарув ҳисобининг ташкил этилиши алоқа ва телекоммуникация компаниялари соҳанинг халқаро стандартларига мувофиқ материал, ўзгарувчан ва иш ҳақи харажатларини қисқартириш имконини беради.

Телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи компанияларда эгри харажатлар миқдорларга тақдим этилаётган хизматлар тўлиқ таннархида салмоқли улушни ташкил этади. Шу боис, алоқа хизматлар таннархини Activity Based Costing (ABC) усулида ҳисоблаш ишончли (аниқ) усул ҳисобланади. Мазкур усул харажатларни функционал фаолият (жараёнлар) турлари бўйича харажатларни ҳисобга олиш имконини беради.

ABC усулининг анъанавий (тўлиқ харажатлар) усулидан фарқли жиҳатлари:

анъанавий (тўлиқ харажатлар) усулида хизматлар ресурс, яъни маблағлар харажати талаб қилади;

ABC усулида хизматлар аниқ жараёнлар (операциялар)ни амалга ошириш натижасида шаклланади, жараёнлар эса маблағлар харажати талаб қилади;

ABC усули харажатлар ҳисобини алоҳида юритишга асосланган: харажатлар ҳисоби функционал фаолиятни амалга оширишга сарфланган ресурсларда ҳисобга олинади, ушбу жараёнларнинг келиб чиқиши омиллари, манбалари (драйверлари) ҳисобланган тақсимлаш базаларига асосан хизматлар таннархига олиб борилади.

Бизнинг фикримизча, харажатлар драйвери - харажатларни ресурслар нархига ўтказиладиган мутаносиб параметр ҳисобланади.

ABC моделида харажатларни уларни хизматлар таннархига олиб бориш белгилари бўйича таснифлашдан фойдаланилади: тўғри, шубҳасиз харажатлар; тақсимлашни талаб этувчи билвосита харажатлар.

ABC моделида харажатларни тақсимлаш икки босқичда амалга оширилади:

1. Хизмат кўрсатиш бизнес жараёнлари бўйича харажатларни тақсимлаш;

2. Алоқа хизматлари бўйича хизмат кўрсатиш харажатларини тақсимлаш.

Телекоммуникация компанияларида асосий бизнес жараёнларда қўлланиладиган асосий воситалар, ускуналар иш ҳажми ифодаладиган

машина-соат драйвери; асосий бизнес жараёнларда фаолият кўрсатадиган асосий ва ёрдамчи ишчи ходимлар иш фаолиятини ҳисоблашда қўлланиладиган киши-соат драйвери каби ресурс драйверларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Телекоммуникация компанияларида хизматлар нархини аниқлашда бевосита ва билвосита харажатларни гуруҳлаш қуйидаги сабабларга кўра мураккаб кечади:

1) моддий харажатлар таркибида хом ашё учун харажатлар бўлмайди, чунки кўрсатилган хизматлар ва сарфланадиган материаллар номоддий ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган асосий материаллар: кабеллар, алоқа тармоғининг элементларини таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар. Шу билан бирга, ишлатилган кабелнинг мақсадига қараб, унинг қиймати жорий харажатларда ҳам, капитал қўйилмаларда ҳам акс эттирилиши мумкин.

Телекоммуникация хизматларини тақдим этишнинг технологик жараёни абонентга бир вақтнинг ўзида бир нечта хизмат турлари (шаҳарлараро уланиш, интернетга уланиш ва интерфаол телевидение) орқали фойдаланиш имкониятини беради. Бундай ҳолда алоқа тармоғининг бир нечта элементлари жалб қилинади, бу эса фойдаланиш харажатларини (хусусан, алоқа линиясини таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар) тўғридан-тўғри харажатлар сифатида таснифлашни имконсиз қилиб қўяди;

2) меҳнат харажатлари таркибида асосий ишлаб чиқариш ишчиларига техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ўта муҳим ҳисобланади, ушбу тўловлар станция ускуналари ва чизикли иншоотларни яхши ҳолатда сақлаш билан боғлиқ қатор ишларни ўз ичига олади. Бундай харажатларни тўғридан-тўғри таснифлаш мураккаб ҳисобланади.

Телекоммуникация хизматлари фаолият турлари бўйича бир бирлик хизмат ўлчов бирлиги турли хил кўрсаткичларда ифодаланади. Буни қуйидаги 2-жадвалда кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Телекоммуникация хизматлари фаолият турлари бўйича бир бирлик хизмат ўлчов бирлиги⁹

Телефон	Интернет	Овозли хабар	IP TV
минут	Мб	дона	Мб

Телекоммуникация хизматлари таннархини Activity based costing (ABC) усулида калькуляция қилишда секунд бирлигидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (3-жадвалга қаранг).

Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши телекоммуникация компанияларида бир бирлик алоқа ва телекоммуникация хизматлари таннархини фаолият турлари бўйича ягона калькуляция бирлиги сифатида

⁹Тадқиқот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мегабайт ва минут кўрсаткичларини секунд бирлигида ҳисоблашга олиб келади. Бунинг натижасида устама харажатларни фаолият турлари бўйича тақсимлаш ва компания молиявий натижага йўналтирилган бошқариш тизими амалга ошириш фаолият турларининг алоҳида истиқболини белгилашга эришилади.

3-жадвал

GSM хизматлари таннархини ҳисоблаш калькуляция карточкаси, минг сўм¹⁰

№	Кўрсаткичлар	2019 й	2020 й
1	Узмоби́л хизматларидан тушум	922538496,3	1203613,15
2	Узмоби́л филиалининг ташқи интернет каналига уланиш бўйича харажатлари (ХКПМ-Аппарат)	34 406 400	43 008 000
3	ХКПМдан Узмоби́л учун ажратилган сиғим (Гигабит секунд)	50	70
4	ХКПМнинг 1 ойга 1 мегабит секунд нархи	56	50
5	Узмоби́л филиали операцион харажатлари	567 492 093, 71	622 820 807, 00
6	Жами ишлаб чиқариш харажатлари	281 621 681, 24	322 374 042, 00
7	Жами давр харажатлари	285 870 412, 47	300 446 765, 00
8	Узмоби́л-инвестиция лойиҳалари бўйича молиявий харажатлар (Узмоби́л+аппарат)	72 021 842, 73	84 731 579, 68
9	Фоиз харажатлари	72 021 842, 73	84 731 579, 68
Жами харажатлар		673 920 336, 45	750 560 386, 68
Жами ишлатилган мобил интернет ва сўзлашув миқдори		2 922 265 156 753	2 068 847 285 941
GSM	Жами мегабайтлар миқдори	5 184 000 000	3 628 800 000
	Жами сўзлашув давомийлиги (минутлар)	704 899 279	881 124 099
1 мегабайт нархи, 1мегабайт=8000 кбит (8000 кбит/14,4 кбит/с=555,55с)		128	202
1 минут нархи, 60 секунд		14	22
1 смс, 1120бит / 9,6 кбит/с*1000=0,12 с		х	х

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, телекоммуникация компанияларида даромад ва харажатлар бошқарув ҳисобини алоҳида юритиш,

¹⁰ Тадқиқот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

телекоммуникация компаниялари бизнес жараёнлари таркибини бошқарув ҳисоби объекти сифатини тан олиш лозимлиги, алоқа операторларининг бевосита ва билвосита харажатлари таснифланишидаги турли хил ёндашувларни яхлитлаш, телекоммуникация компаниялари бизнес жараёнлари гуруҳлари бўйича харажатлар таркибини асослантириш ва уларнинг ички бошқарув ҳисоби ишчи счётларини ҳисобга олиш комбинацияларини ишлаб чиқиш, бюджетлаштиришни молиявий жавобгарлик марказлари бўйича ташкил этиш, бюджетлар ижроси тўғрисида бошқарув ҳисоботларини шакллантириш лозимлиги каби муаммолар амалда мавжуд.

Бизнинг фикримизча, телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини бизнес жараёнлар бўйича ташкил этишдаги асосий муаммолардан бири телекоммуникация компаниялари фаолияти бошқарув иерархик моделларини янги инновацион менежмент моделларини соҳага жорий қилинишидан иборат.

Алоқа ва телекоммуникация компанияларида бошқарув ҳисобини бизнес жараёнлар бўйича ташкил қилиш ва такомиллаштиришга бағишланган қатор тадқиқот ишлари асосан америкалик олимлар Р.Каплан ва Д.Нортонлар томонидан ишлаб чиқилган молия, мижозлар, бизнес-жараёнлар, ходимларни ўқитиш ва ривожланишдан иборат тўртта истиқболли йўналишга асосланган баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимига таянилган.

Халқаро миқёсда алоқа ва телекоммуникация компаниялари бизнес жараёнларини яхлитлаштириш мақсадида халқаро нотижорат ташкилоти TeleManagement Forum (TMF) томонидан eТОМ (Enhanced Telecom Operations Map-телекоммуникация компаниялари фаолиятининг кенгайтирилган модели) жараёнлар модели ишлаб чиқилган бўлиб, бу неча йилдирки телекоммуникация компаниялари жараёнларини бошқаришда стандарт вазифасини ўтаб келмоқда.

Рақобат муҳити талабларидан келиб чиқиб, телекоммуникация бозорида алоқа ва телекоммуникация компаниялари бирлашиши ва қўшиб олиниши компаниялардан ўз бизнес жараёнларини қайта кўриб чиқишларини тақозо этади. Агарда компаниялар бизнес-жараёнлари харитаси бир хил бўлса, бирлашиш ва қўшиб олиниш жараёнлари тезлашади. Бироқ, ушбу жараёнларда компаниялардан нафақат бизнес жараёнларни, балки уларни автоматлаштирилганлигини таъминловчи ахборот тизимларини ҳам келишиб олиш керак бўлади.

Бунда шуни унутмаслик лозимки, ахборот тизимлари ҳар доим ҳам мос тушавермайди. Бундай вазиятда бизнес жараёнларни янги ахборот тизимларига интеграция қилиш лозим бўлади. Ушбу вазифани енгиллаштириш учун кросс-платформали автоматлаштиришдан фойдаланилади. Худди шундай кросс-платформалардан бирига мисол тариқасида BPMN бизнес жараёнлар моделини келтириб ўтиш мумкин.

Замонавий талаблардан келиб чиқиб, бизнес интеграция жараёнларида интеграцион ВРМН бизнес жараёнлар моделини web-хизматлар концепцияси боғлиқлигини таъминлаш лозим.

Бизнингча, алоқа ва телекоммуникация компанияларида бизнес жараёнларни бошқарув ҳисобининг объектларини куйидаги иккита турга ажратиш ўринли бўлади:

Асосий бизнес жараёнларга доир объектлар;




Ёрдамчи бизнес жараёнларга доир объектлар.

Алоқа ва телекоммуникация компаниялари рақобатбардошлилиги, молиявий барқарорлиги билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни тадқиқ этишга бағишланган қатор илмий ишларда алоқа ва телекоммуникация хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ ўзаро иқтисодий боғлиқ бўлинмаларда амалга оширилаётган иқтисодий жараёнлар “бизнес жараён” иқтисодий атамаси билан талқин қилинмоқда.

Телекоммуникация компанияларида фаолият турлари бўйича ўртача даромадлилик кўрсаткичларини ҳисоблаш фаолият турлари самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

“Ўзбектелеком” АКнинг телекоммуникация хизматлари фаолият турлари бўйича ўртача даромад кўрсаткичлари (ARPU), минг сўм¹¹

Йиллар			
2018 й.	73	7,4	22
2019 й.	85	7,5	27
2020 й.	95	7,4	33
2021 й.	95	7,3	35

